2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 193 (1254), 2024 йил 21 сентябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРГА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ШАРАФЛИ ФАОЛИЯТИДА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

**20 сентябрь куни мамлакатимизга янги тайинланган хорижий элчилар томонидан ишонч ёрлиқларини топшириш тантанали маросими бўлди.**





Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Фавқулодда ва мухтор элчиси Смита Пант, Корея Республикаси Фавқулодда ва мухтор элчиси Вон До Ён, Мўғулистон Фавқулодда ва мухтор элчиси Дааданхуу Батбаатар, Германия Федератив Республикаси Фавқулодда ва мухтор элчиси Манфред Хутерер, Исроил Давлати Фавқулодда ва мухтор элчиси Гидеон Лустиг ва Европа Иттифоқи Фавқулодда ва мухтор элчиси Тойво Клаардан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари хорижий дипломатик ваколатхоналар раҳбарларини Ўзбекистондаги шарафли ва масъулиятли фаолияти расман бошлангани билан самимий табриклади.

Бугунги кунда жаҳондаги беқарор ва тез ўзгараётган даврда элчиларнинг нафақат ўз мамлакатларининг манфаатларини илгари суриш, балки халқларимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган шарафли фаолиятининг аҳамияти кескин ортиб бораётгани таъкидланди.

Президентимиз очиқ, конструктив ва прагматик ташқи сиёсат натижасида Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни ва мавқеи тобора мустаҳкамланаётганини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан мамлакатимиз ташаббуси билан 10 дан ортиқ, жумладан, жорий йилнинг ўзида катта аҳамиятга эга 4 та махсус резолюция қабул қилингани бунинг тасдиғидир.

Мураккаб глобал вазиятда ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ўсмоқда, Жаҳон банки бу йил ўсиш 5,3 фоизни ташкил этишини прогноз қилмоқда. Халқаро валюта жамғармаси эътироф этганидек, ўтган йил якуни бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти илк бор 100 миллиард доллардан ошди.

Париждаги ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинлари мамлакатимизнинг янги спорт тарихини яратган ёш спортчиларимизнинг рекордлари ва мисли кўрилмаган ютуқлари майдонига айланди.

— Буларнинг барчаси ортга қайтмас тус олган кенг кўламли ислоҳотларимизнинг самарасидир, — деди давлат раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида демократик жамият қуриш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, саноат ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш, тадбиркор ва инвесторлар учун кенг имкониятлар яратиш сиёсатини давом эттириши таъкидланди.

Шу муносабат билан келгуси ойда Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар янгиланган Конституцияга мувофиқ илк бор аралаш сайлов тизими асосида ўтказилиши алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини қўллаб-қувватлаб келаётгани учун дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари вакиллик қилаётган мамлакатлар ҳукуматларига миннатдорлик билдирилди.

Ўзбекистон Президенти Ҳиндистон Республикаси элчиси Смита Пантга мурожаат қилар экан, икки мамлакат етакчиларининг қатъий сиёсий иродаси туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилганини мамнуният билан қайд этди.

*Давоми 2-бетда*

## МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТИ ТАРИХИДА ЭНГ ЮҚОРИ НАТИЖАЛАР

### ушбу соҳага давлат даражасидаги эътиборнинг самарасидир

**Президент Шавкат Мирзиёевга спорт соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболли режалар тўғрисида ахборот берилди.**

Аввало, оммавий спортни ва олимпия ҳаракатини янада кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Яқинда Парижда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари жами 39 та медални қўлга киритиб, юзлаб давлатлар орасида 13-ўринларни эгаллаган эди. Бу мамлакатимиз спорти тарихида энг юқори натижалар бўлди.

Мазкур нуфузли мусобақалар ғолиб ва совриндорлари билан учрашувда давлатимиз раҳбари 2028 йилда Лос-Анжелесда бўладиган ўйинларга ҳозирдан тайёргарлик кўриш, йўлланмалар сони ва турини кўпайтириш зарурлигини таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, Спорт вазирлиги, Миллий Олимпия ва Паралимпия қўмиталари томонидан спорт турлари бўйича фойдаланилмаган имкониятлар яна бир бор танқидий таҳлил қилинди.

Мисол учун, Олимпия ўйинларида енгил атлетика бўйича 48 та, сув спорти турларида 49 та дастур мавжуд. Лекин вакилларимиз уларда 5 ва 4 та йўлланма билан қатнашди, холос.

Теннис, ўқ отиш, гимнастика, велоспорт бўйича федерациялар ҳам, шароит ҳам бор. Юнон-рум кураши, от спорти, қиличбозлик, эшкак эшиш бўйича ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўп. Чим устида хоккей, баскетбол, гандбол, регби, сув полоси каби жамоавий спорт турларини ҳам ривожлантириш зарур.

Мазкур спорт федерациялари ишини жонлантириш, ўқув-машғулотлар тизимини такомиллаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

Олимпия ва паралимпия ҳаракати оммавий спортдан куч олиши таъкидланиб, маҳаллаларда селекция ишларини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни профессионал этиб тарбиялаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Маълумки, келгуси йил юртимизда ёшлар ўртасида Осиё ва Параосиё ўйинлари ўтказилиши режалаштирилган. Бунинг учун Тошкентда Олимпия шаҳарчаси барпо этилмоқда.

Шаҳарчага ташрифи чоғида Президентимиз бу мажмуа мамлакатимиз спортининг илмий, амалий, ўқув-машғулот маркази бўлиши зарурлигини айтган эди.

Шунга мувофиқ, Осиё ўйинларидан сўнг Олимпия шаҳарчаси инфратузилмасидан самарали фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун “Ақлли шаҳар” концепциясига асосланган маъмурий бошқарув ташкил этилади. У спорт мажмуаларини сақлаш, жиҳозлар ва техник тизимлар ҳолатини кузатиб бориш, зарур ҳолларда таъмирлаш билан шуғулланади. Устувор спорт турлари бўйича йиллик режа тасдиқланиб, ҳудудлардаги спортчиларнинг Олимпия шаҳарчасида ўқув-машғулот ўтказиши йўлга қўйилади. Шунингдек, бу тузилмага оммавий тадбирларни ташкил этиш, ижара ва бошқа хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи берилади.

Олимпия ҳаракати ҳақида гап кетганда, қишки ўйинларни ҳам назардан қочирмаслик зарур. Шундай спорт турларидан бири хоккейдир.

Бугунги кунда хоккей бўйича 4 та спорт клуби ва 3 та спорт иншооти мавжуд. U-16 терма жамоамиз 2023 йилда Осиё ва Океания кубогида 1-ўрин соҳиби бўлган эди. Бу йил мазкур мусобақа илк бор Ўзбекистонда ўтказилиб, U-18 терма жамоамиз ғолибликни қўлга киритди.

Шуларга асосланиб, бу спорт турини ривожлантириш, кейинчалик Олимпия шаҳарчаси ҳудудида хоккей мажмуасини қуриш бўйича таклифлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этиш, халқаро мусобақаларга тизимли тайёргарлик кўриш бўйича топшириқлар берди.

**ЎзА**

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ

### аввало, таълим сифатини оширишдан бошланади

**Бугун ислоҳотлар негизини ташкил этувчи Учинчи Ренессанс пойдевори, энг аввало, таълим сифатини ошириш орқали ёшларимизни билимли, эртанги кунга масъул ва дахлдор инсонлар қилиб камолга етказишдан бошланади.**

Шу маънода, соҳага доир қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муҳим вазифаларни бажаришда барча бўғиндаги раҳбарлардан катта масъулият ва жавобгарлик талаб этилади.

Давлатимиз раҳбарининг **“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”** деган ғоя ва ташаббуси давлат идоралари ва ташкилотларининг ижро тизими маъмуриятига катта масъулият юклади. Натижада халқ билан очиқ мулоқот йўлга қўйилиб, фуқароларнинг мурожаати билан ишлашнинг янги институти шаклланди.

*Давоми 2-бетда*

Муносабат



## ВАТАННИ ЁВДАН ҲИМОЯ ҚИЛГАНДЕК

### ўзбек тилини ҳам ҳимоя қилишимиз, асрашимиз керак

**Жаҳон тараққиёти кучайгани сари турли миллатлар тилининг инқирозга учраш хавфи ҳам тобора ортяпти. Нафақат озчилик мулоқот қиладиган, балки жуда кўп одам гаплашса-да, замон шиддатига мос равишда ривожланмай қолаётган тиллар ҳам бора-бора тарих қатларига сингиб кетиши ҳеч гап эмас.**

*Давоми 5-бетда*



## ЧИНАКАМ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ — КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КОМПЛЕКС КУРАШИШДА

Инсон қадри учун

**Ўзбекистон — буюк тарихни ўзида жамлаган ўхшаши йўқ давлат, илм-фан ва маърифатнинг олтин бешиги. Тарихимиз шон-шараф, қаҳрамонлик, мардлик намуналарига бой, бироқ собиқ иттифоқ бошқарувидаги нотўғри маъмурий-буйруқбозлик тизими асосига қурилган сиёсат мамлакатда камбағаллик муаммосини келтириб чиқарди.**

Бир неча ўн йиллар давомида мамлакатимизнинг иқтисодий танг аҳволини ўтиш даври қийинчиликларига боғладик. Бахт-саодатга моддий фаровонлик билан эмас, биринчи навбатда, маънавий етуклик орқали эришилади, деган ақидага маҳкам ёпишиб олдик. Охир-оқибат давлат ҳам, жамият ҳам муаммолар гирдобига ботиб кетди. Ниҳоят вақт ўтиб, англаб етганимиз шу ҳақиқат бўлди: инсон оддий минимал яшаш шароитисиз бахт тугул, хотиржамликка ҳам эриша олмас экан.

*Давоми 3-бетда*

# ЯНГИ ТАЙИНЛАНГАН ЭЛЧИЛАРГА ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ШАРАФЛИ ФАОЛИЯТИДА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Жорий йил бошидан буён икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ошди, қўшма корхоналар, авиақатновлар сони кўпаймоқда, сайёҳлик алмашинуви кенгаймоқда, ҳудудлараро алоқалар изчил ривожланмоқда. Ўзбекистонда Ҳиндистон университетларининг тўртта филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари яқин келажакда ўзаро савдо ҳажмини 1 миллиард долларга етказиш зарурлигини таъкидлади. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиёт, инновациялар, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, кимё саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорлик лойиҳаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва "Ҳиндистон — Марказий Осиё" форматидаги мулоқотни давом эттириш учун катта имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Ўзбекистон етакчиси Корея Республикаси биз учун Осиё қитъасидаги вақт синовларидан ўтган яқин дўст ва алоҳида стратегик шерик эканини таъкидлади.

Президент Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида кўп қиррали Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигининг янги босқичини бошлашга келишиб олинди. Мамлакатимизда замонавий саноат ва инфратузилмани барпо этиш мақсадида юқори технологик ва инновацион шериклик модели жорий этилмоқда.

Ўзаро савдо ҳажми 2,5 миллиард долларни ташкил этмоқда. 700 дан зиёд қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда, янги инвестиция лойиҳалари портфели 10 миллиард долларга етди.

Ўзбекистонда Кореянинг қатор етакчи университетлари филиаллари, касб-ҳунар таълими, инновациялар ва ахборот технологиялари марказлари очилди, мактабгача таълим тизимини яратишнинг илғор тажрибаси муваффақиятли жорий этилмоқда, соғлиқни сақлаш соҳасида биргаликда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

— Тошкентда барпо этилган Болалар клиникаси, Корея маданияти ва санъати уйи, Сеул боғи ва кўчаси мустаҳкам дўстлигимизнинг ёрқин рамзларига айланди, кўп миллатли халқимизнинг ажралмас қисми бўлган салкам 200 минг нафар фуқароларимиздан иборат корейс диаспораси эса тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшмоқда, — деди Ўзбекистон Президенти.

Корея Республикасининг етакчи компаниялари билан ўта муҳим минераллар, яримўтказгичлар, кимё саноати, "яшил" энергетика, машинасозлик, "ақлли" қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида ҳамкорлик бўйича стратегик режаларни тўлиқ амалга ошириш зарурлиги, шунингдек, парламентлараро ва ҳудудлараро алоқаларни янада фаоллаштириш, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, кўп томонлама ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Мўғулистон элчисига мурожаат қилар экан, Президент Ухнаагийн Хурелсухнинг яқинда Ўзбекистонга қилган давлат ташрифи ўзаро манфаатли муносабатларимизда янги саҳифа очганини таъкидлади.

Тошкентда Мўғулистон элчихонаси ўз фаолиятини бошлади. Жорий йил бошидан буён ўзаро савдо ҳажми икки баробар ошди. Турли вазирлик ва идоралар ўртасидаги алоқалар фаоллашди.

Эришилган келишувларни сўзсиз бажариш, хусусан, Имтиёзли савдо тўғрисидаги битимни қабул қилиш, фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва қайта ишлашда иштирок этиш, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, чарм, тўқимачилик, фармацевтика саноати ва тиббиёт соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш, тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш, таълим ва маданий дастурларни кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

БМТ, ШҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни кучайтириш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Ўзбекистон раҳбари дунёнинг етакчи давлатларидан бири, улкан интеллектуал ва иқтисодий салоҳиятга эга Германия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим ва узоқ муддатли ҳамкори эканини қайд этди.

Ўтган йили Германияга амалга оширилган иккита олий даражадаги ташриф, шунингдек, Федерал Канцлер Олаф Шольцнинг яқинда Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи кўп қиррали Ўзбекистон — Германия муносабатлари тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим воқеалар бўлгани таъкидланди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони икки баробар, ўзлаштирилган инвестициялар эса 10 баробар кўпайди.

Германиянинг етакчи компания ва банклари билан умумий қиймати 9 миллиард еврога тенг бўлган қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

"Siemens", "Linde", "BASF", "MAN", "CLAAS", "Henkel", "Knauf", "Papenburg", "Deutsche Bahn" ва бошқа компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш механизмлари жорий этилмоқда, Саноат ва технологик ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

— Шу билан бирга, маданий-гуманитар, таълим, миграция ва туризм соҳаларида ҳам катта натижалар кутяпмиз, — деб таъкидлади мамлакатимиз Президенти.

Шунингдек, яқинда Остона шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий Осиё — Германия" иккинчи саммитида билдирилган минтақавий стратегик ҳамкорликни чуқурлаштиришга қаратилган ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Президентимиз Исроил Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий шериги эканини таъкидлади.

Ўтган йилда савдо ҳажми икки баробар ошди, мамлакатимизда Исроил сармояси иштирокидаги 120 га яқин корхона фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда қадимдан яшаб келаётган Бухоро яҳудийлари ҳамон халқларимиз алоқаларида мустаҳкам боғловчи ришта вазифасини ўтамоқда.

Президент икки томонлама ҳамкорлик учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади. Хусусан, инновациялар, "ақлли" қишлоқ ва сув хўжалиги, ресурс тежайдиган технологиялар, фармацевтика ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Яқин Шарқдаги вазият тез орада адолатли ечим топиши, умумэътироф этилган ҳужжатлар асосида узил-кесил тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишининг қатъий тарафдори эканини тасдиқлади.

Ўзбекистон Президенти Европа Иттифоқи ишончли ва вақт синовидан ўтган ҳамкор эканлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда муносабатларимиз изчил ривожланиб, мутлақо янги босқичга кўтарилди. Жорий йилда дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланмоқда.

Олий даражадаги ташрифлар сони ортиб бормоқда, Европанинг бир қатор давлатлари билан стратегик шериклик ўрнатилди, ўтган йили Европа Иттифоқи мамлакатлари билан товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ошди.

"Яшил" иқтисодиёт, муқобил энергетика, юқори технологик саноат, инновациялар, минерал ресурслар, қишлоқ хўжалиги, экология, фан ва таълим соҳаларида йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг тез орада имзоланиши муносабатларимизни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

— Европа томони билан сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, демократик институтларни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари масалаларида очиқ ва конструктив мулоқотни давом эттириш, иқтисодиёт, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларида ҳамкорликнинг янги "ўсиш нуқталари"ни топиш, фуқароларимиз борди-келдилари учун виза режимини енгиллаштириш каби долзарб йўналишларда биргаликда ишлаш ниятидамиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё билан ҳамкорлиги кенгайиб бораётгани ҳам қайд этилди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари келгуси йилда Самарқанд шаҳрида "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" саммитини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганини маълум қилди.

Маросим якунида Ўзбекистон Президенти янги тайинланган элчиларга шарафли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва ислоҳотлар натижалари билан, айниқса, энг чекка туман ва қишлоқларга бориб яқиндан танишишни тавсия қилди.

Ўз навбатида, хорижий дипломатлар самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини самарали олиб боришларига яратилган шароитлар учун ташаккур изҳор этдилар.

**ЎзА**

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

# УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ

## аввало, таълим сифатини оширишдан бошланади

**Ҳилола УМАРОВА,**
**мактабгача ва мактаб таълими вазири**

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда таълим тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар жараёни жадал суръатда давом эттирилмоқда. Фуқаролар мурожаати билан ишлашда халқ ва давлат ўртасида очиқ мулоқот майдони яратилди.

Юртдошларимизнинг давлатимиз раҳбарига тўғридан тўғри мурожаат қилиш имконияти йўлга қўйилиши натижасида йиллар давомида йиғилиб қолган муаммоларнинг аксарияти бартараф этилди. Хусусан, масалаларнинг турли давлат дастурларига киритилиши орқали мазкур муаммоларга тизимли ечим топилмоқда.

Ислоҳотлар самарадорлигига эришиш учун соат механизмидек аниқ ишловчи ижро тизими яратилди ҳамда бу жараён айни пайтда ўз самарасини бермоқда.

Шу маънода, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши, биринчи навбатда, давлат органлари ва ташкилотларининг барча бўғинида ижро интизомини зарур даражада ташкил этишга боғлиқ.

### Ижро интизоми — ислоҳотлар асоси

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда бошқа топшириқлари ижросини белгиланган муддатда, сифатли бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони давлат идоралари ва ташкилотларининг ижро тизимида қатъий интизом ўрнатишга ҳуқуқий замин яратди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 31 майдаги "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори давлат органлари ва ташкилотларининг ижро интизомига масъул бўлинмаларининг ижро интизомини мустаҳкамлашдаги роли ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш борасида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу асосда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижрочилар, кенг жамоатчилик ҳамда аҳолига тезкор етказиш юзасидан ягона тизим жорий этилгани ислоҳотлар самарасида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида ҳам мазкур фармон ва қарор ижросини таъминлаш, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича қатор ишлар бажарилмоқда. 2023-2024 йиллар давомида "Ijro.gov.uz" тизими орқали вазирлигимизга Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг фармон, қарор ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларидан иборат 1073 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат келиб тушган. Уларда 5090 та топшириқ ва вазифа белгиланган.

Хусусан, 2023 йилда 580 та қонунчилик ҳужжатида белгиланган 3068 та, 2024 йилда 493 та қонунчилик ҳужжатида белгиланган 2022 та топшириқ келиб тушган.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан жисмоний ва юридик шахслардан тушаётган мурожаатлар ҳам атрофлича ўрганиб келинмоқда. 2024 йилнинг ўтган саккиз ойи якунларига кўра, вазирликка 24 минг 419 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатлар тўлиқ ўрганиб чиқилиб, мурожаатчиларнинг савол ва таклифларига ўз вақтида тегишли жавоб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти веб-сайти орқали келиб тушган мурожаатлар сони 21 минг 198 тани ташкил этиб, 2023 йилнинг шу даври билан таққослаганда, мурожаатлар 3454 тага кўпайган.

Шунингдек, вазирлик раҳбарияти томонидан мамлакат бўйлаб ўтказилаётган сайёр қабул давомида энг кўп мурожаат қилинаётган йўналишлар, хусусан, мактабга қабул, субсидия ажратиш, оилавий боғча очиш, дарс соати тақсимотига доир саволлар (масалаларнинг қарийб 90 фоизи)га шу жойнинг ўзида батафсил жавоб берилмоқда.

Ушбу масъулиятли ва муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида вазирликда ҳар ҳафта якуни бўйича ижро муддати яқинлашаётган ҳужжатлар таҳлил қилиниб, зарур ҳолларда тегишли мутахассисларни жалб қилиш орқали топшириқ ва вазифаларни белгиланган муддатидан аввал бажариш чоралари кўрилмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишиш бўйича киритилган ҳужжатларнинг айланиш даври сезиларли даражада қисқарди. Шунингдек, бир йиллик аниқ тизимлаштирилган иш тартиби ҳисобига вазирлигимиз иш услуби ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича **вазирлик, идора ва ташкилотлар ичида намунали деб топилди. Вазирлигимизда қисқа муддатли малака ошириш ишлари ташкил этилгани** ҳам тизим натижадорлигига яққол мисолдир.

### Ислоҳотлар рақамларда

Мактабгача ва мактаб таълими соҳасини ривожлантириш, сифатли таълим тизимини яратиш борасидаги ислоҳотлар салмоғи ортгани бугун Президент фармони ва қарорлари, ҳукумат ҳужжатларида ушбу йўналишдаги вазифалар кўпайганидан ҳам кўриниб турибди.

Мазкур вазифалар ижросининг тизимли ташкил этилиши натижасида айни вақтда давлат сиёсати даражасига кўтарилган таълим ислоҳотлари ўз самарасини бермоқда. Хусусан, ўтган вақт давомида болаларни мактабгача таълимга қамров даражасини ошириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди. Биргина жорий йилнинг ўзида 2678 та янги мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилиб, мактабгача таълимга қамров даражаси 74,6 фоизга, шундан 6 ёшлилар қамрови 93 фоизга етказилди (*2017 йилда 27 фоизни ташкил этган*).




Шунингдек, мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги таълим ташкилотларида фаолият юритаётган 262 мингдан ортиқ раҳбар ва педагог кадрлар малакаси оширилди, 138 педагог хорижий давлатлар (*Франция, Хитой, Туркия, Беларусь ва Россия*)га малака ошириш ва стажировкага юборилди.

Жорий йилда стажёр-ўқитувчилар касбий сертификатлаш, янги тартиб асосида малака тоифаларини бериш синовларига жалб этилди ва директорликка номзод 1633 нафар тингловчи менежерлик ўқув курсида ўқитилди. Уларнинг 1206 нафарига сертификат берилди, 114 нафари директорлар кенгаши суҳбатидан ўтказилиб, директорлик лавозимига тайинланди.

Ўқитувчиларга малака тоифаларини бериш тизими такомиллаштирилиб, янги тартиб асосида 194 мингдан ортиқ ўқитувчи малака (тест) синовидан ўтказилди. Синов жараёнида биринчи маротаба **FaceID (юзни таниш) ҳамда Blockchain (маълумотни ўзгармас шаклда сақлаш)** технологиясидан фойдаланилди.

**Соҳага жорий қилинган ушбу амалиёт натижасида коррупцион турли ҳолатларга чек қўйилди. Педагогларнинг малака синовларида қатнашиш жараёни шаффоф ва тизимли ташкил этилишига эришилди. Бунинг натижаси ўлароқ, педагогларнинг малака тоифалари олиш бўйича савол ва мурожаати сезиларли даражада камайди.**

Соҳадаги изчил ислоҳотлар натижасини мактаб битирувчиларининг олий ўқув юртларига кириш ўртача балл кўрсаткичи беш йилда **69,8 баллдан 78 баллга ошганида** ҳам кўриш мумкин. Жорий йилда максимал баллнинг **75 фоизидан юқорисини** (141,75+ балл) эгаллаган 41 минг 9 абитуриентнинг 32 минг 949 нафари ёки **80 фоизи айнан бу йил мактабни битирган ўқувчилардир**.

2023-2024 ўқув йилида Президент мактаблари SAT халқаро сертификати имтиҳонларини ўтказадиган расмий марказларга айлантирилди. Ушбу мактаблар битирувчиларининг **67 фоизи халқаро математика ва инглиз тилини билиш даражасини баҳоловчи (SAT) сертификатларга эга бўлди**.

Нуфузли халқаро ва минтақавий халқаро фан олимпиадаларида ёшларимиз қўлга киритган медаллар сони охирги йилларда **2,7 баробар ошиб, 45 тадан 121 тага** (*2024 йил 15 та олтин, 39 та кумуш, 67 та бронза*) етди. Ўзбекистонлик ўқувчилар иштирок этадиган халқаро олимпиадалар сони қарийб **2 баробар,** уларда иштирок этадиган ўзбекистонлик ўқувчилар сони эса ўтган йилга нисбатан **1,7 баробар** ортди.

Хорижий мутахассислар жалб этилган **500 та** мактаб ўқувчиларининг тил билиш даражаси **61 фоиздан 65 фоизга ошди.** Натижада **8951 ўқувчи (***2023 йилда 5296 нафар*) халқаро сертификатга эга бўлди. Тил билиш даражаси бўйича сертификатга эга ўқитувчилар сони 27 минг 992 нафарни ташкил этиб, **56,5 фоизга** (*2023 йилда 32 фоиз*) етказилди.

Президентимизнинг 2023 йил 25 декабрдаги "2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 2024 йилда жами 608 та (*30 та янги қуриш, 518 та реконструкция қилиш ва 60 та мукаммал таъмирлаш*) умумтаълим мактабида қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Шундан жорий йилда 30 та янги мактаб қуриш ҳисобига 18 мингга яқин ва реконструкция қилиш ҳисобига 163,6 минг янги ўқув ўрни яратилади. Шунингдек, 62 та мактабнинг бино-иншоотлари мукаммал таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилади.

Мактабгача ва мактаб таълими тизимида ижро ҳужжатларида келтирилган вазифалар ҳажми кундан кун ортиб бормоқда. Хусусан, бу борада мактабгача таълим қамровининг умумий даражасини **76 фоиз, 6 ёшлилар қамровини 96 фоизга** етказиш режалаштирилган.

Мактабларда фаолият юритаётган директорликка номзод 1000 тингловчини менежерлик ўқув курсида ўқитиш ҳамда 100 минг педагогни аттестацияга жалб қилиш мўлжалланган.

Бу каби муҳим жараёнларни тизимли ва шаффоф ташкил этиш, педагогларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали сифатли таълим тизимини яратишда соҳага доир қонунчилик ҳужжатларининг аҳамияти ва ўрни муҳим.

Вазирлик томонидан ижро ҳужжатларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли ташкил этишда талабчанлик ва натижадорликни ошириб бориш, ижро интизоми ва муддатларига қатъий риоя этиш, такрорий мурожаатларнинг кўпайиш сабабларини чуқур ўрганиб чиқиш бўйича аниқ механизм ва тизим йўлга қўйилган. Натижада соҳага доир ижро ҳужжатлари ва аҳоли мурожаатларида келтирилган масалалар ижроси ўз вақтида ва самарали таъминланмоқда.

# САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ 22 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ




**Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 20 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш ҳамда сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотига оид масалалар кўриб чиқилди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга шу йил 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик жараёни қизғин паллага кирмоқда. Жорий йил Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови аралаш, яъни мажоритар ва пропорционал тизим асосида ўтказилади. Бу йил парламентнинг қуйи палатасига сайланадиган бир юз эллик депутатнинг етмиш беш нафари бир мандатли сайлов округлари бўйича сайловчиларнинг бевосита аниқ бир номзодларга берган овозларига мувофиқ, қолган етмиш беш нафари эса ягона сайлов округи бўйича сиёсий партияларга берилган овозларга мутаносиб равишда сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхати (яъни партия рўйхати) асосида сайланади.

Мажлисда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси томонидан бир мандатли сайлов округлари бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодларни рўйхатга олишга оид қарор қабул қилинди. Унга кўра, бешта сиёсий партия томонидан бир мандатли сайлов округлари бўйича Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган жами 375 нафар номзод рўйхатга олинди. Ягона сайлов округи бўйича эса мазкур сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган, партия рўйхатидаги жами 500 номзодни рўйхатга олиш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Йиғилишда қайд этилганидек, миллий сайлов тажрибамизда илк маротаба бешта сиёсий партия томонидан барча даражадаги депутатлик ўринларига 100 фоиз номзодлар кўрсатилди. Хусусан, сиёсий партиялар Қонунчилик палатасига жами 875 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳри кенгашларига 3625 нафар, халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига жами 24 минг 850 нафар номзод, яъни барча сайлов округларида номзодлар тўлиқ кўрсатиш имконига эга бўлди. Бунда "E-saylov" интерактив портали ишга тушгани ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу тизим орқали сиёсий партиялар номзодларнинг қонунчилик талабларига мослиги ҳолати бўйича сайлов комиссиялари билан тезкор ишлаш имконияти яратилди.

Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар орасида аёллар сони 391 нафарни ёки 44,7 фоизни ташкил этди. Бу сайлов тарихимиздаги энг юқори кўрсаткичдир. Аввалги сайловларга қараганда номзодлар анча ёшарган. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ўртача ёши 47,2 ёш. Уларнинг 99,3 фоизи олий маълумотли. Номзодлар орасида иқтисодчилар, педагоглар, муҳандислар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа соҳа вакиллари бор.

Ҳудудий, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари томонидан маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар ҳам рўйхатдан ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туманлар (шаҳарлар) кенгашларига ҳар бир партиядан номзодлар рўйхатга олинган бўлиб, депутатлик мандати учун 28 минг 475 номзод курашади. Номзодларнинг 42,5 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.

Мамлакатимизда яшаётган аксарият миллат ва элатлар вакиллари ҳам номзодлар орасида бор. Хусусан, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга номзодларнинг 973 нафари тожик, 588 нафари қозоқ, 146 нафари туркман, 141 нафари қирғиз, 67 нафари рус ва бошқа миллат вакилларидир.

Номзодлар кўрсатишда сиёсий партиялар инклюзивликка ҳам алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, Қонунчилик палатасига сайлов бўйича депутатликка номзодлар орасида 11 нафар ва маҳаллий кенгашларга сайлов бўйича депутатликка номзодлар орасида ногиронлиги бўлган 605 нафар шахс мавжуд. Бундай юқори даражадаги инклюзивлик биринчи маротаба кузатилмоқда.

"E-saylov" интерактив портали орқали барча даражадаги сайлов бўйича рўйхатга олинган 29 минг 350 нафар депутатликка номзоднинг мобил телефонларига улар тегишли вакиллик органи сайлови бўйича депутатликка номзод этиб рўйхатга олингани, "E-saylov" тизими ёрдамида ишончли вакилларини рўйхатдан ўтказиши мумкинлиги ва сайловолди ташвиқоти бошланиши ва муддатлари тўғрисида хабарномалар юборилади.

Бундан ташқари, мажлисда Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловида иштирок этувчи сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Қарор билан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайлови бўйича депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти 2024 йил 22 сентябрдан бошланиши белгиланди.

Шунингдек, сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партияларга сайловда иштирок этиши учун ижозат берилган навбати кетма-кетлигида сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари белгиланди. Унга кўра:

биринчи — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси;

иккинчи — Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси;

учинчи — Ўзбекистон Экологик партияси;

тўртинчи — Ўзбекистон Халқ демократик партияси;

бешинчи — Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси.

Марказий сайлов комиссияси қарори билан давлат марказий ва ҳудудий телерадиоканаллари ҳамда газеталарида депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун сайловолди ташвиқоти даврида бепул эфир вақти ҳамда нашр майдони ҳажми ажратилди.

Шу куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида сайловга тайёргарлик жараёни ва сайловолди ташвиқотини юритиш масалалари юзасидан матбуот анжумани ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партиялар вакиллари иштирок этган тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбири**

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил 21 сентябрь, 193-сон

Инсон қадри учун

# ЧИНАКАМ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ – КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КОМПЛЕКС КУРАШИШДА





**Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор**

> **Президентимиз раислигида шу йил 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусида амалга ошириладиган зарурий чора-тадбирлар белгилаб олингани бежиз эмас.**



**Бошланиши 1-бетда**

Мамлакатимизда камбағаллик кўп йиллар давомида ёпиқ мавзу бўлиб келди. Бу ибора ўрнига “кам таъминланганлик” деган тушунчадан фойдаландик. Аммо камбағаллик даражаси камайиб қолмади. Тан олайлик, кейинги саккиз йилдаги очиқлик сиёсати туфайли ҳақиқат юзага чиқди. Халқ билан мулоқотнинг самарали механизми йўлга қўйилгач, одамларнинг асл ҳаёт даражаси, оғриқли нуқталари ошкор бўла бошлади. Инсон қадрини улуғлаш борасида бошланган ислоҳотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилди.

Шу боис, халқимиз турмушини яхшилаш йўлида жуда катта вазифаларни амалга оширишга киришилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 11 августдаги “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бугунги кун талабидан келиб чиқиб қабул қилинган муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар бўлди.

Кейинги йилларда бу борада давлат сиёсатини марказдан маҳалла даражасигача юритадиган вертикал тизим жорий қилингани қувонарли янгилик. Ёшлар масалалари бўйича ҳар бир туманда алоҳида ҳоким ўринбосари, хотин-қизлар масалаларига ҳар бир маҳаллада алоҳида раис ўринбосари масъул этиб белгиланиши ҳам эътирофга арзийдиган воқеа. Бу эса, ўз навбатида, мазкур йўналиш доирасида маҳалла ва оилалардаги муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечими бўйича таклифлар бериш ва керакли чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш ҳақида гапирганда, ҳудудларнинг шаҳар ёки қишлоқларида яшайдиган турли ёшдаги одамлар, эркаклар ва аёллар учун камбағалликнинг сабаблари жуда фарқ қилишини ҳисобга олиш керак. Шу нуқтаи назардан, қашшоқликка қарши кураш жуда мураккаб ва кўп қиррали вазифадир. Муҳтож одамларга тўғридан-тўғри молиявий ёки табиий ёрдам кўрсатиш орқали қашшоқлик муаммосини ҳал қилишда жиддий ижобий натижага эришиш мумкин эмаслиги аён бўлади.

Албатта, аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш зарур, аммо турли сабабларини ҳисобга олган ҳолда камбағалликка қарши курашда ҳар қандай муҳим ютуқларга одамлар моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзини зарур даромад билан таъминлайдиган шароит яратилгандагина эришиш мумкин.

Камбағаллик — бу ҳаёт учун муҳим бўлган, энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмайдиган, ишга лаёқатли бўлиб, ўзи хоҳлаган ишларни давом эттириши мумкин бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳ иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусиятидир. Ўрганишлар натижасига кўра, ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолининг аксарият қисми етарли даромад манбаига эга эмас. Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги сингари бизда ҳам камбағал қатлам мавжуд. Улар тахминан 12-15 фоизни ташкил этиши ҳам рост. Бу 4-5 миллион одам, дегани.

Ушбу ҳолат нафақат аҳоли, балки давлатнинг ҳам катта дарди бўлиб, халқнинг соғлиғи, меҳнатга лаёқати ва илмий салоҳиятига путур етказади. Шунингдек, унинг оқибати давлат бюджетининг пасайиши ва сиёсий жараёнларнинг кескинлашувига сабаб бўлади. Чунки камбағал тоифа жадал иқтисодий ўсишдан фойда кўра олмайди. Жамиятнинг турли соҳаларида иштирок этиш имконияти ҳам чекланган. Давлат эса бепул ўрта таълимни таъминлаш, тиббий хизматларнинг асосий пакетини кафолатлаш, ижтимоий заиф деб таснифланган гуруҳларга ихтисослашган ёрдам ва кам таъминланган оилаларга имтиёзлар беришга мажбур. Энг ёмони, камбағаллик ҳолатига тушиб қолишдан кўра, ундан чиқиб кетиш кўп карра қийин.



Шу боис, жамиятимизда камбағалликни қисқартиришда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш, биринчи навбатда, уларни касбга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш зарур. Бу вазифани самарали ва сифатли бажармасдан туриб, аёллар ҳамда ёшлар манфаати билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий масалаларни тизимли ҳал этиш имконсиз. Камбағалликка қарши кураш ҳамда қисқартиришга тизимли ёндашув ва аниқ чора-тадбирлар белгилаш масаласи Президентимизнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида биринчи марта кун тартибига қўйилди. Унда халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда камбағалликни аниқлаш мезонлари ва ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш, камбағалликка қарши кураш бўйича самарали воситаларни қўллаш амалиётини жорий этиш вазифаси белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг “Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони халқнинг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди. Камбағалликни қисқартириш борасида ягона давлат сиёсатини юритиш мақсадида Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Мамлакат ва ҳудудлар миқёсида эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 20 га яқин ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат қабул қилинди. Муҳтожликни аниқлаш, шаффофликни таъминлаш ва манзилли ижтимоий ҳимояни амалга ошириш мақсадида “Ягона ижтимоий ҳимоя реестри” ҳамда маълумотларнинг ягона тизими ташкил этилди.

Иқтисодий таҳлилларга кўра, камбағалликни ойлик ёки нафақа миқдорини кўпайтириш, кредит бериш билан қисқартириб бўлмайди. Ушбу стратегик мақсадларга ҳамма учун тенг имконият яратадиган юқори иқтисодий ўсиш ҳисобига эришилади.

Мамлакатимизда аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлиги биринчи марта эълон қилинган кундан бошлаб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Барча туман ва шаҳарларда эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги тизим — “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” жорий этилгани ҳам самарали чора бўлди.

> **ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛЛАРГА КЎРА, КАМБАҒАЛЛИКНИ ОЙЛИК ЁКИ НАФАҚА МИҚДОРИНИ КЎПАЙТИРИШ, КРЕДИТ БЕРИШ БИЛАН ҚИСҚАРТИРИБ БЎЛМАЙДИ. УШБУ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРГА ҲАММА УЧУН ТЕНГ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИГАН ЮҚОРИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ҲИСОБИГА ЭРИШИЛАДИ.**

Чунки ижтимоий дафтарлар юритилиши натижасида унга киритилган одамлар билан тизимли, манзилли ишлаш йўлга қўйилди. Сектор раҳбарлари ва мутасадди идоралар вакиллари ҳар бир маҳалладаги ҳолатни ўрганди. Ёшлар ва аёллар билан бирма-бир мулоқот қилиб, эҳтиёж, қизиқишларини аниқлади ҳамда шу асосда манзилли чоралар кўрди.

Хусусан, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларда рағбат уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантирилди, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак берилди. Ўзини ўзи банд қилганларга солиқ имтиёзи берилиши ҳамда кўпгина чекловлар бекор қилиниши туфайли минглаб юртдошларимиз меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди. Умуман, пандемия шароитида ишини йўқотган аҳолини қўллаб-қувватлаш учун давлат ва ҳукумат барча чора-тадбирларни кўрди.

Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш мақсадида ижтимоий дафтарлар билан ишлаш, жазони ўтаб қайтганларнинг ижтимоий мослашуви, ёшлар ва аёлларни психологик қўллаб-қувватлаш, чет тиллар ва касб-ҳунарга ўқитиш бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлар имкониятидан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш лозимлиги белгилаб олинди. Тўғри, амалий ишлар натижасида камбағалликни қисқартиришга эришилди. Аммо бу чоралар билан муаммо тўлалигича ўз ечимини топмади. Вазият иш сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Президентимиз раислигида шу йил 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида бу борадаги ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусида амалга ошириладиган зарурий чора-тадбирлар белгилаб олингани бежиз эмас.

Йиғилишда қайд этилганидек, камбағалликни қисқартириш мамлакатимизда 2020 йилда бошланган эди. Ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Ўтган йилларда 3,5 миллион одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди. Маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўм кам фоизли кредит, 7 триллион сўм субсидия берилгани, маҳаллаларни обод қилиш, боғча, мактаб, тиббиёт, йўл, сув ва электр инфратузилмаси учун 120 триллион сўм ажратилгани бу борада мамлакатимизда изчил ислоҳотлар давом этаётганидан дарак беради.



Шунингдек, йиғилишда бу борадаги ишлар ҳамма вилоят ва туманларда ҳам бир хил даражада кетмаётгани, камбағаллик даражасини пасайтиришга барча ҳудуд жиддий эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланди. Қайд этилганидек, 16 та туманда аҳолига бўлиб берилган ерда 2-3 мартадан ҳосил олингани эвазига камбағаллик 2 карра камайган. Лекин 14 та туманда бу борада ўзгариш сезилмаган.

Камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳим. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳокимликлар билан бирга бу йил ҳар бир маҳаллани тўлиқ хатловдан ўтказиб, “камбағал оилалар портрети”ни ишлаб чиқиб, камбағал оила бўйича индивидуал дастур тузади. Иқтисодий комплекс эса оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш билан шуғулланади. Бунда энг катта масъулият туман ҳокимлари ва сектор раҳбарлари зиммасида бўлади.

Йиғилишда 2024-2025 йилларда одамлар ўзини ўзи банд қилиши, кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланиши учун микрокредитлар ажратишга 10 триллион сўм берилиши, шунингдек, камбағал оилаларга 30 миллион сўмгача ускуна, кўчма дўкон, мотороллер, скутер каби воситалар 5 йилда бўлиб тўлаш шарти билан тақдим этилиши ҳамда камбағал оила фарзандларига компьютер сотиб олиш учун 5 йилга 2 йиллик имтиёзли давр билан фоизсиз кредитлар ажратилиши камбағаллик даражаси камайиши, аҳолининг ижтимоий ҳимояси мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, Савдо-саноат палатаси ҳузурида тадбиркорларга ишчи топиб, тайёрлаб берадиган марказ ташкил қилиниши, ўз навбатида, тадбиркорга ҳам, ишсиз аҳолига ҳам катта қулайлик яратади. Умуман, бу мақсад жуда кенг кўламли, унга барча ҳисса қўшиши керак. Асосийси, камбағал оилалар учун ажратилаётган маблағнинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш зарур.

Президентимизнинг 2024 йил 11 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасидаги қонунчилик ижросини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятли. Унга кўра, Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг штат бирликлари мақбуллаштириляпти. Қонунчилик ижроси устидан назорат қилишга масъул бўлган Бош прокурор ўринбосари лавозими ва назорат бошқармаси жорий этилмоқда. Мақсад — камбағалликка қарши кураш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга масъулиятсизлик билан ёндашган мутасаддилар устидан жазо муқаррарлиги ва қонун устуворлигини таъминлашга эришиш. Зеро, Конституцияда ижтимоий давлат мақоми белгилаб қўйилган мамлакатда аҳоли муаммоларига панжа ортидан қараш ва ўзибўларчиликка йўл қўйиб бўлмайди.

Кредит ажратиш ёки биргина иқтисодий ўсиш асносида камбағалликка қарши курашиш тўғри эмас. Бунинг учун давлат сиёсати даражасидаги жиддий саъй-ҳаракатлар талаб этилади. Биринчи навбатда, иқтисодий ўсишнинг имкон қадар инклюзивлигини таъминлаш, иқтисодиётдаги ютуқлар халқ орасида тенг тақсимланса ва бундан аҳолининг заиф қатламлари ҳам баҳраманд бўлсагина, камбағаллик қисқаради. Бу эса муайян чора-тадбирлар кўришни, аввало, янги иш ўринларини очиш, таълим сифатини ошириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, ижтимоий дастурлар қабул қилиб, амалга оширишни тақозо этади.

Мамлакатимизда таълим соҳасига нажоткор куч сифатида эътибор қаратилаётгани ҳам камбағалликни камайтиришнинг энг тўғри йўлларидан биридир. Зеро, фикран ва қалбан покланган кишигина тафаккур қилишга қодир. Тафаккур мутлақ ҳақиқат — инсон ўзидек бандага қул бўлиш учун эмас, ҳур яшаш учун яратилганини англашга имкон беради. Фикран ва руҳан уйғоқ бўлиш инсонни ҳар қандай “изм”нинг кишанларини парчалаб ташлашга ундайди.

Бир эсга олайлик. Коммунистик зулмга асосланган давлат ҳар қандай истеъдодни жувонмарг қиладиган усулларни ўйлаб топди. Энг истеъдодли инсонларни маҳв этди. Тузумнинг мақсади ҳар қандай зиёли, идрокли, ишбилармон одамни йўқотиб, чин маънодаги йўқсиллар жамиятини барпо этиш эди. Афсуски, орзуси ушалди. Юртимиз ҳар жиҳатдан хароб, одамлар ҳам моддий, ҳам руҳий абгор аҳволга тушиб қолди.

Босқинчилар 150 йилдан бери отавериб, чопавериб, одамларимизни соясидан ҳам қўрқадиган қилиб қўйганди. Боз устига, биз болаларимизни бир қаричлигидан мутеликка, фикрламасликка, ўз гапини айтмасликка мажбур қилдик. Алишер Навоий тўрт яшарлигидаёқ отасининг дўстлари бўлмиш шоирлар, олиму фозилларнинг суҳбатида иштирок этар, уларнинг илму урфон, адабиёт ва санъат ҳақидаги фикрларини қуймақулоқ бўлиб тингларди, дердик, бироқ болаларимизни катталар ўтирган ерга яқин йўлатмасдик. “Катталарнинг гапига аралашма, одобсизлик бўлади”, деб койирдик. Ҳамма нарсани тақиқлайвериб, чеклайвериб, болани муштдайлигиданоқ руҳан майиб, журъатсиз қилдик.

Бундай тарбия кўрган бола ҳеч қачон ўз фикрига эга бўлмайди, қувончи ёки норозилигини ботиниб бировга айтолмайди, яъни раддия билдиришдан чўчийди. Натижада доим бировнинг амрини кутиб турадиган, бировнинг ақли билан иш қиладиганлар тоифасига айланади.

Чиндан ҳам фикран, руҳан ўзини дахлсиз, озод ҳис этмаган одам ҳеч қачон жисман ҳур бўлолмайди. Билимсизликка юз тутади. Билимсизлик эса камбағалликка олиб боради. Афсуски, биз тарбиямиз билан сусткаш инсонларни вояга етказаётганимизни хаёлимизга ҳам келтирмаган эканмиз. Ўз фикрини айтишга журъат этолмай ўсган бола вояга етгач, бировнинг қўллаб-қувватлашига, тўғрироғи, бошини силашига эҳтиёж сезади. Оқибатда шундай муте авлод вояга етади. Хуллас, дунё тараққиётидан анча орқада қолдик.

Бугун тезроқ дунёга юзланадиган, жаҳон маданияти, дунё тараққиётидан улги оладиган пайтимиз келди. Одамларнинг юзида нур, қалбида эртанги кунга ишонч пайдо бўлди. Эндиги вазифа — ёш авлодни дунё маданиятию маърифатидан огоҳ қилиб вояга етказиш. Менимча, биринчи навбатда, ўзлигимизни танимоғимиз даркор. Акс ҳолда, ўтмишини унутган, тарихини билмайдиган, айни вақтда бугунги дунё маданиятидан бебаҳра одамлар тарбияланаверади. Бундай кимсалар қориндан бошқа нарса ҳақида ўйламайди.

Жамиятда ҳур фикрли одамлар кўпайса, одамлар бир-биридан ҳадиксираб туришдан қутулса, чинакам тараққиётга эришади. Ишни мактаблардан бошлаш, кимлигини англаб етган чинакам маърифатли ёшларни тарбиялаш лозим. Дунёвий илмлар ва тарихдан хабардор, бир неча тилни пухта биладиган авлод вояга етиши зарур. Шундагина камбағалликка қарши курашда том маънода муваффақиятга эришамиз.

Сўнгги бир неча йилда жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг деярли барча жабҳасини қамраб олган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистондаги камбағаллик даражасини пасайтириш борасида муайян ютуқларга эришилди. Хусусан, олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда коррупцияга барҳам берилгани, аҳолини ичимлик сув, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш бўйича қатор йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилаётгани, аҳолининг барча қатлами учун тиббий хизматлардан фойдаланиш имконияти яхшиланиши, шунингдек, гендер тенгликни таъминлаш борасидаги сезиларли ижобий натижалар бунинг яққол тасдиғидир.

Янги тўлов тизими барча хонадон эгаларини, оила аъзоларини электр энергиясидан ўринли, самарали ва оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга ундайди, ўзига хос услубда тарбиялайди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 21 сентябрь, 193-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz





Долзарб мавзу

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТЕЖАМКОРЛИГИ

## Сарф-харажатни тўғри режалаштирган оила ютқазмайди



**Абдушукур АБДУЛЛАЕВ, техника фанлари доктори**

**Сўзимни болалик пайтимда — мактабнинг бошланғич синфларида ўқиб юрганимда юз берган воқеадан бошласак. Бу ҳодиса айни қовун пишиғи пайтида содир бўлган эди. Қисқаси, оила даврасида қовунхўрлик қилиб ўтирган эдик. Шунда отам менга “Қовунни тескари ушлаяпсан”, деб дакки берди. Мен эса ҳайрон бўлдим: ахир қовуннинг у томонидан ушладимми ёки бу томониданми, фарқи йўқ-ку. Лекин отамнинг айтганини, албатта, бажардим. Бу ўгитнинг асл маъносини орадан кўп йиллар ўтгандан кейин — бир куни ўғлим қовун еяётганда бошқа томонидан ушлагани учун еса бўладиган қисмиям пўчоққа чиқаётганини кўрганимда тушунганман.**

Мақсад қовунни увол қилмай, чала емай истеъмол қилиш экан. Баъзилар бу воқеани айтиб берганимда мийиғида кулиб қўяди. Шунгаям қоида керакми, шу кичкина бўлак одамни тўйдириб қўярмиди, дегандек. Аслида, бунинг тагида исрофгарликка йўл қўймаслик, тўғри истеъмол, тартибли овқатланишга одатланиш мақсади ётади. Отамнинг бувамиздан мерос бир ибораси бор эди: “Нон ҳам нон, нон резгиси (увоғи) ҳам нон”.

### “ТЕСКАРИ УШЛАНГАН ҚОВУН”

Шу йил май ойидан электр токи истеъмоли учун дифференциаллашган тўлов тизими жорий этилди. Электр тўлови тизимини замонавий ва иқтисодий жиҳатдан ислоҳ қилиш борасида кўп йиллардан буён катта ишлар қилинган. Бу тизимни тавсифлаш, ижобий ёки салбий томонларини изоҳлашдан йироқман. Айтмоқчи бўлган гапим эътибор берилмаган масалалар сирасига киради. У нафақат ўзимга, балки минглаб юртдошларимизга бирдек тааллуқли.

Хонадонимизда 3 та оила (13 киши) истиқомат қилади. Электр бўйича иккита шахсий ҳисобрақам очилган. Энергия истеъмол қилувчи техникалар ҳам кўп: 2 та иситиш ва 4 та ёритиш тизими, ошхона жиҳозлари, 5 та ҳаво совиткич ҳамда 2 та иссиқ сув таъминоти, асосан, электр токида ишлайди. Бундан ташқари, 2 та электромобиль ҳам бор. Янги тўлов тизими жорий этилгунга қадар ойлик электр энергияси истеъмоли қиймати 700-750 минг сўм атрофида эди. Янги тўлов тизимига ўтилгандан сўнг июнь ойида 3 миллион сўмдан ортиқ, июль ойида эса салкам 5 миллион сўмлик электр энергияси ишлатдик. Кейинги тўлов талабномаси келиб тушгач, дўппини ёнга қўйиб, хонадонимиздаги барча электр жиҳози ва тизимини танқидий таҳлил қилиб чиқдим.

Олинган натижалар мени ҳайратга солди. Электр истеъмоли бўйича барча жиҳоз режасиз, “ишлаяптими — бўлди” қабилида ишлатилгани, отамнинг таъбири бўйича “қовун тескари ушлангани” маълум бўлди. Аввало, электр жиҳозларидан истеъмол талабларига мутаносиб равишда фойдаланилмаган. Уй-рўзғор электр аппаратлари ва қурилмаларининг аксарияти муайян даврийликда, “ёниб-ўчиб” ишлайди. Бунинг изоҳи оддий — белгиланган режимга етгандан кейин ўчади. Муайян вақтдан кейин кўрсаткич белгиланган даражадан пастга тушгач, яна ишлайди. Бу техника тилида “даврий иш коэффициенти” деб юритилади ва у иш вақтининг тўлиқ цикл вақтига нисбат асосида ҳисобланади. Иш цикли ишлаган вақт ва дам олган вақт йиғиндисидир. Масалан, қурилма иш циклида қанча муддат ишлаган бўлса, шунча вақт дам олса, иш коэффициенти 0,5 бўлади. Иш даврийлигининг тўртдан уч қисми ишлаш, чорак қисми дам олишга кетса, 0,75 бўлади. Агар қурилма тўхтамасдан ишлаётган бўлса, иш коэффициенти 1 га тенг.

Таҳлиллардан уйимиздаги ҳаво совиткичлар тўхтовсиз ишлаётгани маълум бўлди. Бунга сабаб оддий: яъни совиткичлар пультидаги ҳарорат кўрсаткичи (уйни совитишдаги якуний ҳарорат) жуда паст қилиб қўйилган (бизнинг уй мисолида 16 даража). Кўпчилик тасаввурида “кондиционер пультидаги ҳарорат қанча паст бўлса, хонани шунча яхши совитади” деган тушунча бор. Бу мутлақо хато. Пультда 16 градус белгилангани совитилаётган хона ҳарорати шу кўрсаткичга етмагунча кондиционер тўхтовсиз ишлашини билдиради. Ҳолбуки, ташқи ҳаво ҳарорати 40 даража бўлган пайтда хона ичи 16 даража бўлиши учун кондиционернинг қуввати меъёрий қувватдан камида 1,5-2 баробар юқори бўлиши лозим. Меъёр режимга ҳисобланган кондиционер эса катта юклама режими белгиланган бўлса, узлуксиз ишлайди. Одам ўзини яхши ҳис этиши учун ҳаво ҳарорати 23-25 даража бўлиши керак. Совиткич шунга мосланган бўлса, у ҳолда тўхтаб-тўхтаб ишлайди. Уйимизда ҳар куни 12 соат ёқиб қўйиладиган 5 та совиткич ойига 3024 киловатт электр энергияси сарфлайди. Оптимал режимга қўйиб ишлатилганда эса ойлик энергия сарфи 1512 киловаттни ташкил этаркан. Совиткичларнинг ҳаммаси баробар ёқиб қўйилмай, фақат заруратда ишлатилса, бу кўрсаткич ойига 850 киловатт бўлади, холос.

### БИР НЕЧА БАРОБАР ТЕЖАШ

Кейинги таҳлил объекти — иссиқ сув таъминоти. Хонадонимизда 2 та 100 литрли “Аристон” аппаратидан фойдаланилади. Унинг сув иситиши 95 даражага созланган. Демак, бу жиҳозлар ҳам худди юқорида қайд этилгани каби катта босим билан ишлайди. Созланган ҳароратини 70 даражага тушириб қўйдим. Натижада даврий иш коэффициенти ҳам 0,2 га тушди. Энергия сарфи 4 баробар камайиб, ойлик электр сарфи 1200 киловаттдан 420 киловаттга пасайди, яъни тежалган энергия 780 киловаттни ташкил этди.

Навбатдаги таҳлил ёритқичларга қаратилди. Хонадонимизга тежамкор электр чироқлари ўрнатилган. Юзаки қараганда, бу борада тежайдиган ҳеч нарса йўқдек. Лекин янглишган эканман. Барча хоналарнинг ёритилганлик даражасини ҳисоблаб чиқдим. Халқаро қабул қилинган стандартларга мувофиқ яшаш хоналарининг ёритилганлик даражаси 300-350 лк (лк — “люкс” ёритилганлик даражасини ўлчаш бирлиги) этиб белгиланган. Бундан қуйига тушиб кетиши кўзга босим берса, ҳаддан зиёд ошиб кетиши инсон асаб тизимига салбий таъсир этиб, бош оғриғи ва бошқа ноқулайликларни келтириб чиқаради. Ҳисоб-китоблар хонадонимиздаги ёруғлик даражаси 2 та хонада меъёрдан 2,5 баробар, 3 та хонада 2 баробар, битта хонада эса 3,5 баробар юқори эканини кўрсатди. Ортиқча чироқларни тармоқдан узиб қўйиш, ҳовлидаги ёритиш чироқларига одам яқинлашганда ишга тушиб, кейин ўзи автоматик равишда ўчадиган реле-автомат қўйиш натижасида ёритиш тизимига сарфланаётган ойлик электр энергияси ҳажми 270 киловаттдан 90 киловаттга туширилди ва айнан шу борада тежалган энергия 180 киловаттни ташкил этди.

Оддий чой қайнаткичнинг энергия сарфини кўрсак. Одатда энг кўп фойдаланиладиган тефалнинг кўрсаткичи: сув ҳажми 1,8-2 литр, қуввати 2,2 киловаттга тенг. Чой қайнатиш вақти 5-6 дақиқа. Кунига 3 оила 12 марта ёқиб, ишлатади. Ойлик энергия сарфи 60 киловаттни ташкил этади. Лекин биз одам сонидан қатъи назар, чой қайнаткичга тўлдириб сув қуямиз. Қурилмага керагича сув солиб қайнатилса, устига қалин матодан қилинган ёпинчиқ ёпиб ишлатилса, ойлик энергия сарфи 25 киловаттга пасаяр экан.

Автомат кир ювиш машинаси уй бекалари учун бебаҳо қурилма. Ичига ювиладиган кийимлар солиниб, ишлатиб қўйилади. Сув солиш, иситиш, кир ювиш кукуни эритмасини қуйиш, ювиш, чайиш ва сувни чиқариш ишлари жиҳознинг бошқарув тизими томонидан назорат қилиниб, бажарилади. Хонадонимизда ёш бола кўплиги сабабли кир ювиш машинаси кунига ўртача 3-4 марта ишлатилади. Текширув натижасида аппаратдаги бир тўплам кийимни ювиш тўлиқ цикли 90 дақиқага созлангани маълум бўлди. Ҳозирги автомат кир ювиш кукуни учун 1,5 соат ювишнинг нима зарурати бор?! Ахир 15 дақиқа етарли-ку. Қолган жараёнга яна 15 дақиқа кетса ҳам тўлиқ цикл учун жами 30 дақиқа кифоя. Ушбу оптималлаштириш натижасида биргина автомат кир ювиш машинасидаги электр сарфи ойига 320 киловаттдан 110 киловаттга, яъни қарийб 3 баробар камайтирилди. Айнан шу турдаги электр жиҳозларидан истеъмол талабига мутаносиб фойдаланиш орқали 3506 киловатт электр энергиясини тежаш имкони яратилди.



**Мамлакатимизда табиий энергия ресурсларидан фойдаланишга эътибор мисли кўрилмаган даражада кучайди. Қуёш панели ўрнатиш бўйича қатор давлат дастурлари, режалар қабул қилинди. Янги типдаги гелиостанциялар ишга туширилмоқда. Ташкилотларнинг аксариятида қуёш панели ўрнатилиб, олинаётган энергия миқдори 25-30 фоизга етказилди. Лекин хонадонларда ушбу масалага эътибор ҳали етарли даражада дея олмаймиз. Қуёш панели ўрнатилган хонадонлар ҳали кўп эмас.**







### БЕМИННАТ ЭНЕРГИЯ МАНБАИ

Уйимиздаги 2 та электромобилни қувватлантириш масаласини ҳал этиб бўлмади. Бу икки автомашина ҳар 5-6 кунда қувватлантиришга қўйилади. Тўлиқ қувват ҳар бири учун тахминан 80 киловаттни, бир ойда ҳар иккисига жами 800 киловаттни ташкил этаркан. Буни камайтиришнинг иложи йўқдек туюлди. Лекин ечими топилди.

Оиламиз катталиги, электр жиҳозлари кўплиги ойлик электр энергияси сарфи ошиб боришига сабаб бўлгани табиий. Лекин нима учун фақат кўчадан келадиган энергияга қараб қолишимиз керак?! Ахир турли шаҳар ва давлатларнинг иқлими тўғрисида маълумотларни жамлаб борувчи Climate Data портали хабарига кўра, юртимиздаги қуёшли кунлар йилига ўртача 247 кунни, қуёшли соатлар 3633,4 соатни ташкил этар экан. Бу уйга 10 киловаттли қуёш панели ўрнатилса, ўртача самарадорлиги 80 фоиз бўлган тақдирда ҳам йилига 29 минг киловатт электр энергияси ишлаб чиқаради, дегани. Қурилма қийматини субсидия пулига чақсак, 29 миллион сўм бўлади. Узоғи 3 йилда қуёш панели харажатини қоплаб, соф даромадга киради. Юртимизда шундай энергия бўла туриб, нега ундан самарали фойдаланмаслигимиз керак?!

Мамлакатимизда табиий энергия ресурсларидан фойдаланишга эътибор мисли кўрилмаган даражада кучайди. Қуёш панели ўрнатиш бўйича қатор давлат дастурлари, режалар қабул қилинди. Янги типдаги гелиостанциялар ишга туширилмоқда. Ташкилотларнинг аксариятида қуёш панели ўрнатилиб, олинаётган энергия миқдори 25-30 фоизга етказилди. Лекин хонадонларда ушбу масалага эътибор ҳали етарли даражада дея олмаймиз. Қуёш панели ўрнатилган хонадонлар ҳали кўп эмас.

Ўзим ҳам ушбу йўналишда кенг тарғибот юритган мутахассис, техника фанлари доктори бўла туриб, хонадонимга бу тизимларни ўрнатиш масаласига етарли эътибор қаратмаган эканман. Мазкур муаммолар масалага янада кенг қараш, чуқур илмий ёндашишга ундади. Уйимизга қуёш панели ўрнатишга аҳд қилдим. Батафсил ҳисоб-китоблар, шунингдек, хонадонимизда электр истеъмоли юқори экани, қўшимча захирани инобатга олиб, 15 киловаттли, кундузи ишлайдиган технологияга асосланган қуёш панеллари тизимини ўрнатишга буюртма бердим. Тегишли компания билан 110 миллион сўмлик шартнома тузилди. Масалани тез ҳал этиш учун Халқ банкининг янги онлайн лойиҳасидан фойдаланиб, 2 соатда бир йиллик даврга мўлжалланган 100 миллион сўм кредит олдим. Шу куннинг ўзида зарур сумма тўланиб, эртасидан ишлар бошланди. Уч кунда қуёш панели ишга туширилди. Шу муддатда лойиҳа шаҳар электр тармоқлари корхонаси орқали ҳисобдан ўтказилиб, давлатдан субсидия олиш далолатномаси тузилди. Энди уйимизда ишлаб чиқарилган электр энергиясидан фойдаланиш билан бирга ортиқчасини тармоққа сотиш имкониятига ҳам эга бўлдик.

Кузатувлар ўрнатилган қуёш панеллари ишлаб чиқарган энергия бир ойда 3620 киловаттни, тармоққа сотилгани 1320 киловаттни ташкил этаётганини кўрсатди. Бу эса бир ойда қарийб 2300 киловатт электр токи уйимиздаги манбадан олинганидан, бундан ташқари, тармоққа 1,3 миллион сўмлик электр энергияси сотилганидан далолат беради. Демак, қуёш панелларини ўрнатиш харажати узоғи 2,5 йилда тўлиқ қопланишини тушуниш қийин эмас.

Асосий электр истеъмол қилувчи қурилмалар қуёш панели тармоғига уланса, ойлик тўловимиз нафақат олдинги 700 минг сўмга тушиши, балки ундан ҳам камайиши мумкин экан. 5 миллион сўмлик тўловнинг 700 минг сўмгача камайишини том маънода жуда салмоқли натижа деб биламан.

### КЎЗГА КЎРИНМАС, АММО КАТТА ТАЪСИРГА ЭГА

Хонадонлардаги асосий энергия совитиш (ёзда) ва иситиш (қишда) қурилмаларига сарфланади. Бу тизимларнинг асосий вазифаси ташқи муҳит билан иссиқлик алмашувини камайтиришга қаратилган. Бунда эса бино, девор, эшик ва деразаларнинг конструкцияси муҳим аҳамиятга эга. Улар қанчалик юқори массивликка, иссиқлик ўтказишда қаршиликка эга бўлса, шунчалик энергия сарфи кам бўлади.

Бироқ илгари якка тартибдаги уйларнинг қурилиш лойиҳаларида бу хусусиятлар инобатга олинмаган. Турар жойдан фойдаланиш даврида уйни иситиш ёки совитишга қанча энергия, маблағ сарфланиши ҳисоб-китоб қилинмаган. Лойиҳа ҳужжатларига бунга тааллуқли бандлар ҳам киритилмаган. Ахир бу кўзга кўринмайдиган, лекин мунтазам оила бюджетини емириб борадиган харажат-ку.

Баъзан хоналар шифтини ўта баланд — 4-4,5 метр қилиб қуриш ҳолатини кузатамиз. Бу иситиш ва совитиш мавсумида ҳар куни кўчага чиқиб, пулни ҳавога сочиш билан баробар. Чунки уйларда фаол ҳудуд 1-2,5 метр оралиғида бўлади. Ундан юқориси совуқ мавсумда иссиқни, иссиқ мавсумда эса совуқни ўзига сингдириб, халқона айтганда “ютиб ётади”. Бунинг оғири эса иситиш ёки совитиш учун сарфланаётган электр энергияси ёки ёқилғига, аниқроғи, оила бюджетига тушади. Оддий ҳисоб-китоблар шифтининг баландлиги 3 метр бўлган хонада баландлик 25 фоиз ортган бўлса-да, юқорига кўтарилаётган иситиш (совитиш) энергияси 35-40 фоиз кўп бўлишини кўрсатди. Амалиётда 3 метрдан юқори ҳудудда ҳаво пассив бўлгани учун халқаро стандартларда бу ҳудудлар микроиқлим ҳисобига олинмайди. Янги қурилишларда бу каби омилларни инобатга олиш шарт.

Уйларнинг томига қуёш панели ўрнатиш орқали бу юзалардан оила манфаати учун фойдаланиш керак. Аксарият турар жойларнинг томи бўш турибди. Ушбу юзаларга қуёш панели ўрнатилиб, уй-рўзғор, оила бюджети учун фойдаланилса, ортиб қолган электр энергиясини тармоққа сотиш орқали тушум олса бўлади. Масалан, ўртача 100 квадрат метр бўлган том юзасида 18-20 киловатт энергия берувчи панеллар ўрнатиш мумкин. Шу билан уйимиз томига тушаётган ва бекор кетаётган қуёш энергияси оила фойдаси учун ишлашга йўналтирилади.

Ўз уйим мисолида эътиборга олинмаган ёки жиддий муаммо сифатида қаралмаган қатор масалаларга тўхталиб ўтдим. Буларга эътибор қаратишим, жиддий таҳлил қилишимга электр энергияси учун жорий этилган янги тўлов тизими туртки бўлди. Айнан шу тизим менга, оила аъзоларимга бир пайтлар қадрсизланиб қолган, энди алоҳида эътиборга тушган, яшаш тарзимизни юқори даражада ташкил этишимизга асос бўлган электр энергиясидан ўринли, самарали ва энг муҳими, исроф қилмасдан фойдаланишни ўргатди. Ахир биргина уйимизда ҳар ойда 4 миллион сўмдан ортиқ сарф-харажатни камайтиришга, аниқроғи, бунга сабаб бўлган исрофгарчиликни бартараф этишга эришилди.

Таҳлилларга кўра, 1 киловатт электр энергияси олиш учун салкам 3-3,5 куб метр газ ёқилади. Мамлакатимизда 8 миллиондан ортиқ турар жой бор. Шундан 1 миллионтасида ҳар ойда 3000 эмас, 300 киловатт электр энергияси исроф бўлишининг олди олинса, бу бир йилда 3,5 миллиард киловатт ёки 10 миллиард куб метр табиий газни тежаш ҳамда уни саноатга йўналтириш имконини беради.

Янги тўлов тизими барча хонадон эгаларини, оила аъзоларини электр энергиясидан ўринли, самарали ва оқилона фойдаланиш маданиятини шакллантиришга ундайди, ўзига хос услубда тарбиялайди.

# ВАТАННИ ЁВДАН ҲИМОЯ ҚИЛГАНДЕК

## ўзбек тилини ҳам ҳимоя қилишимиз, асрашимиз керак



**Бекзод ШУКУРОВ,**
**Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти раҳбари ўринбосари**

Бошланиши 1-бетда

Тили инқирозга юз тутган миллатнинг ўзи ҳам тумтарақай бўлиб, аста-секин миллат сифатидаги хусусиятларини йўқотади. Агар муҳофаза қилинмаса, эътиборсиз қолдирилса, ўз тилини унутиш ҳолати кучайиб бораверса, ҳар қандай тил ва миллат шак-шубҳасиз инқирозга юз тутади. Тарихда бунга мисол кўп.

> **Жадид ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Абдулла Авлоний “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур” — деб бежиз куйиб-ёниб таъкидламаган.**

### Янги Ўзбекистонда ўзбек тилининг янги ҳаёти

Ўзбек тили ҳам бир вақтлар йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги тиллар рўйхатига тушиб қолган эди. Аммо бугун у кенг қулоч ёзиб, тобора кўпроқ одам гаплашадиган тилга айланиб боряпти. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, айни пайтда бутун дунёда олтмиш миллиондан ортиқ одам ўзбек тилида мулоқот қилади.

Айниқса, Президентимизнинг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракати билан **янги Ўзбекистонда ўзбек тилининг янги ҳаёти бошланди**, деб баралла айтиш мумкин. Давлатимиз раҳбари 2019 йил 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида “**Биз халқимизнинг тақдири, эртанги куни ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларимиз, бетакрор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур**”, деган эди.

Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда бир неча қарори ўзбек тилининг мавқеини тубдан оширишга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиз етакчиси **глобаллашув шароитида миллий тилимиз софлигини сақлаш, луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш ва бир хил қўлланишини таъминлаш** масалаларини долзарб вазифа қилиб белгилаган.

### Атамалар комиссияси фаолияти такомиллашмоқда

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг “**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарори қабул қилингани ўзбек тилини янада ривожлантириш борасида бошланган тарихий ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони асосида ишлаб чиқилган. Қарор билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Атамалар комиссиясининг янгиланган таркиби**, **Атамалар комиссияси тўғрисидаги низом** тасдиқланди. Атамалар комиссиясининг, Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳузуридаги **Атамалар бўйича ишчи гуруҳлар**нинг асосий вазифалари белгиланди. Фанлар академиясининг **Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Атамалар комиссиясининг ишчи органи**, Атамалар бўйича ишчи гуруҳлар Атамалар комиссиясининг **қуйи тузилмаси** ҳисобланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

### Атамалар комиссияси фаолиятини такомиллаштиришга қандай эҳтиёж бор эди?

Шу вақтга қадар фаолият юритиб келган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига асосан Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган.

Ўтган даврда Атамалар комиссияси бир қанча ишларни бажарди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси лойиҳаси матнини кўриб чиқиб, ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан уни янада такомиллаштириш бўйича тавсияларини берди.

Ишчи органи ва қуйи тузилмалари белгилаб берилгани, янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилгани Атамалар комиссияси фаолиятини, атамашунослик борасидаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади деб ишонч билан айтиш мумкин.

### Атамалар комиссиясининг асосий вазифалари ўзи нима?

Аввало, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясига Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раислик қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг таркибига эса атоқли давлат ва жамоат арбоблари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, академиклар, тилшунос, адабиётшунос ва фольклоршунос олимлар, Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари раҳбарлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, таниқли ёзувчилар, шоирлар, адиблар, журналистлар ҳамда бошқа соҳаларнинг атоқли вакиллари киритилди. Бу эса унинг нуфузи нақадар юқорилигидан далолат.

Атамалар комиссиясининг асосий вазифаси илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритишдан иборатдир. Бундан ташқари, атамаларнинг қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда ва тўғри қўлланишини, адабий тил меъёрларига риоя этилишини таъминлаш, ўзбек тилига кириб келаётган янги атамаларни қонунчилик ҳужжатларига татбиқ этиш ва амалда қўллашнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш Атамалар комиссиясининг вазифаларидир. Шунингдек, Атамалар комиссияси республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳузуридаги Атамалар бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради, республика ижро этувчи ҳокимият органларига атамашунослик масалалари бўйича кўрсатмалар беради. Атамалар комиссияси қарори билан расмий муомалага киритилган янги сўз ва атамаларни қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда ва тўғри қўллаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий ҳисобланади.





> **Бугунга келиб, миллатларни бир-биридан фарқлаш учун миллий тиллардан бошқа белгилар тобора камайиб боряпти. Шу сабабли ҳам давлат тили унга масъул бўлган идоралар, бир гуруҳ олимлар ва фаолларнигина қизиқтирадиган масала эмас. Давлат тили бу — шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқарога бевосита дахлдор бўлган умуммиллий масаладир.**

### Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти — Атамалар комиссиясининг ишчи органи

Атамалар комиссияси жамоатчилик асосида фаолият кўрсатади. Демак, унинг кун тартибига киритиладиган масалаларни сифатли тайёрлаш учун, албатта, унга ишчи орган керак.

Қарорда Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг Атамалар комиссияси ишчи органи сифатидаги асосий вазифалари белгилаб берилди.

Институт таклиф қилинган янги сўз ва атамаларни илмий жиҳатдан ўрганади, экспертизадан ўтказади, экспертизадан ўтказилган янги сўз ва атамаларни жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилади. Жамоатчилик томонидан билдирилган таклиф, фикр ва тавсияларни ўзининг илмий кенгаши кенгайтирилган йиғилишида тегишли соҳа мутахассислари иштирокида кўриб чиқади ҳамда янги сўз ва атамалар бўйича таклифларни Атамалар комиссиясига киритиб боради. Атамалар комиссияси томонидан тасдиқланган янги сўз ва атамаларни жамоатчиликка эълон қилиш, тегишли луғатларга киритиш бўйича тадбирларни амалга оширади.

### Атамалар бўйича ишчи гуруҳлар қандай тузилма? Вазифалари нималардан иборат?

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 30 августдаги Раёсати мажлиси баёни билан республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларида **жамоатчилик асосида фаолият юритувчи атамалар бўйича ишчи гуруҳлар** ташкил этилган эди.

Ўтган бир йилда ушбу ишчи гуруҳлар фаолияти тажриба-синовдан ўтди. Улар томонидан бир қанча янги сўз ва атамаларни қўллаш, расмий истеъмолга киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Соҳавий изоҳли, имло ва таржима луғатларини ишлаб чиқиш бўйича ишланяпти.

Энди Атамалар комиссиясининг қуйи тузилмаси ҳисобланган ушбу **ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари** Вазирлар Маҳкамасининг қарори даражасида белгилаб қўйилди.

Атамалар бўйича ишчи гуруҳлар жамият тараққиёти, илм-фан ютуқлари натижасида тегишли соҳаларда юзага келаётган янги сўз ва атамаларни тадқиқ этади, ўзбекона муқобилларини топади ҳамда уларни бир хилда қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиб, Атамалар комиссиясига киритиб боради. Бундан ташқари, атамалар бўйича ишчи гуруҳлар тегишли идоралар томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида сўз ва атамалар тўғри қўлланишини таъминлаш, давлат тилида иш юритиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш ҳамда ҳал этиш чораларини кўришга масъул.

Ишчи гуруҳлар соҳа мутахассислари, олимлар, тадқиқотчиларни жалб қилган ҳолда соҳавий изоҳли ва имло луғатларини тайёрлайди ҳамда нашр этиб боради. Шунингдек, қилинган ишлар тўғрисида тегишли соҳаларда атамашуносликнинг ривожланиши масалаларини таҳлил қилган ҳолда **ҳар олти ойда** ва **йил якуни бўйича** Атамалар комиссиясига ҳисобот беради.

### Республика даражасидаги бошқа идоралар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар атамалар бўйича таклифини кимга айтади?

Хўш, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари янги сўз ва атамалар бўйича таклифларини Атамалар комиссиясига киритиш орқали атамашунослик билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиб борар экан, ушбу таркибга кирмайдиган давлат органлари ва ташкилотлар бу борада қандай йўл тутади, деган табиий савол туғилади.

Бу масала ечими сифатида қарорда республика ижро этувчи ҳокимият органи ёки хўжалик бирлашмаси ҳисобланмайдиган республика даражасидаги давлат органлари ва ташкилотларга ўз ҳузурида Атамалар бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш тавсия қилинди.

Мисол учун, Олий суд, Марказий сайлов комиссияси каби идоралар ўз ташаббуслари билан атамалар бўйича ишчи гуруҳларни ташкил этса, ўйлаймизки, бу атамалар билан боғлиқ тегишли масалаларни ҳал этиб боришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, атамалар бўйича ишчи гуруҳлар ташкил қилмаган тақдирда ҳам соҳада юзага келаётган янги сўз ва атамалар бўйича таклифларини Атамалар комиссиясига киритиб боришлари мумкин.

Нодавлат ташкилотлар, фуқаролар янги сўз ва атамалар бўйича таклифларини соҳа, йўналиш бўйича ўзларига энг яқин вазирлик ва идора ҳузуридаги атамалар бўйича ишчи гуруҳларга, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясига, Давлат тилини ривожлантириш департаментига ёки Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтига беришига ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай чеклов йўқ. Ушбу таклифлар, албатта, белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

### Атамалар комиссиясининг экспертлар гуруҳи

Экспертлар гуруҳи Атамалар комиссиясининг ишчи органи томонидан тақдим этилган янги сўз ва атамаларни кўриб чиқади ҳамда ўзининг хулоса ва тавсияларини беради.

**Қарор билан илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш схемаси ҳам тасдиқланди.** Унга кўра, янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш **ўн бир босқичда** амалга оширилади.

Аввало, Атамалар бўйича ишчи гуруҳлар жамият тараққиёти ва илм-фан ютуқлари натижасида юзага келаётган ҳамда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”га кирмаган янги сўз ва атамалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ҳамда Атамалар комиссиясига киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ушбу таклифларни Атамалар комиссиясининг ишчи органи бўлган Фанлар академиясининг Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтига юборади, сифатсиз ишлаб чиқилган таклифларни эса Атамалар бўйича ишчи гуруҳларга қайтаради.

Атамалар комиссиясининг ишчи органи янги сўз ва атамалар бўйича таклифларни экспертизадан ўтказади, янги сўз ва атамалар бўйича таклифлар тегишли тушунчани ифодалай олмайди деган хулосага келган тақдирда унга муқобил вариантни беради ҳамда таклиф этилаётган янги сўз ва атамаларни жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилади.

Янги сўз ва атамалар бўйича таклифлар жамоатчилик томонидан ўн беш кун давомида муҳокама қилинади. Унда билдирилган фикрлар, таклиф ва тавсияларни Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқади ҳамда янги сўз ва атамаларни илмий кенгаш хулосаси билан Атамалар комиссиясига киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти Атамалар комиссиясининг ишчи органи хулосаси билан киритилган таклифларни Атамалар комиссияси ҳузурида ташкил этилган экспертлар гуруҳи муҳокамасидан ўтказади ҳамда уларни расмий истеъмолга киритиш бўйича розилик олиш учун Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталарига юборади.

Олий Мажлис палаталари тегишли қўмиталарининг розилиги олинганидан кейин янги сўз ва атамалар кўриб чиқиш учун Атамалар комиссияси мажлиси кун тартибига киритилади.

Атамалар комиссияси томонидан тасдиқланган янги сўз ва атамалар Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти томонидан жамоатчиликка эълон қилинади. Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти эса ушбу янги сўз ва атамаларнинг расмий доирада кенг қўлланишини тарғиб қилиш бўйича чоралар кўради.

### Давлат тили — умуммиллий масала

Бугунга келиб, миллатларни бир-биридан фарқлаш учун миллий тиллардан бошқа белгилар тобора камайиб боряпти. Шу сабабли ҳам давлат тили унга масъул бўлган идоралар, бир гуруҳ олимлар ва фаолларнигина қизиқтирадиган масала эмас. Давлат тили бу — шу юртда яшайдиган ҳар бир фуқарога бевосита дахлдор бўлган умуммиллий масаладир.

Давлатимиз раҳбари бу борада шундай деган эди: “**... Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз лозим**”.

Дарҳақиқат, ватан қанчалик муқаддас бўлса, миллатнинг тили ҳам шунчалик улуғ. Шундай экан, ўзбек тилини Ватанни ёвдан ҳимоя қилгандек ҳимоя қилиш, асраш, ривожлантириш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

# ЎЗБЕК-НЕМИС ФАКУЛЬТЕТИ

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Олий таълим

**Тараққиётга юзланиб, дунёга очилаётган Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро ҳамкорлик ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этмоқда. Юртимиз олийгоҳлари ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибаларини жорий этиш, айниқса, истиқболли педагог ва илмий кадрларни хорижнинг етакчи илмий-таълим муассасаларида стажировкадан ўтказиш ва малакасини ошириш борасидаги ишларга алоҳида эътибор қаратмоқда.**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўзбек-немис факультети ташкил этилиши ҳам бу йўлдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Факультетнинг очилиш маросимида Германиянинг Ўзбекистондаги элчиси Манфред Хутерер, мамлакатимизнинг Германиядаги фахрий консули Ангела Папенбург, Ўзбекистондаги Гёте институти вакиллари, Мактабгача ва мактаб таълими, Олий таълим, фан ва инновациялар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари, шунингдек, кўплаб халқаро ташкилот вакиллари ҳамда талабалар иштирок этди.

Президентимизнинг 2019 йил январь ойида Германия Федератив Республикасига ташрифи ҳамда Германия Федерал Президенти Франк-Вальтер Штайнмайернинг 2019 йил май ойида Ўзбекистонга ташрифи икки томонлама сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар-маданий муносабатларни янги босқичга чиқарди.



Жорий йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Президентимиз таклифига биноан Германия Федерал Канцлери Олаф Шольц расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Самарали музокаралар ўтказилди. Хусусан, Германиянинг дуал таълим тизимини Ўзбекистонда кенг жорий этишга қизиқиш билдирилди. Етакчи университетлар ўртасида таълим ва илмий алоқаларни ривожлантириш учун икки мамлакат олий ўқув юртлари форумини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди. Ўзбекистон томони қўшма дастурларни амалга ошириш, Германия олий таълим муассасалари факультетлари ва филиалларини очиш учун барча шароитларни яратишга тайёрлигини билдирди.

Ўзбекистонда немис маданияти ва тилини ўрганишга катта қизиқиш мавжуд. Немис тили мамлакатимизда энг кўп тарқалган хорижий тиллардан биридир. Ҳозирги пайтда олий таълим соҳасида Германиянинг 30 дан ортиқ олий ўқув юрти билан шериклик алоқалари ўрнатилган бўлиб, талабалар, мутахассислар ва педагог кадрлар алмашинуви йўлга қўйилган. Икки томонлама маданий-гуманитар муносабатларни ривожлантиришда Тошкент ва Берлин, Самарқанд ва Бремен, Бухоро ва Бонн шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини таъкидлаш ўринли.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 980 та мактабда 270 мингга яқин ўқувчи немис тилини ўрганади, бу ерда 3 мингдан ортиқ ўқитувчи дарс беради. 24 та мактабда немис тили ўргатилади, шулардан 6 тасида тил чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади. Германиянинг 30 дан ортиқ университети билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўзбекистонлик мингга яқин талаба, магистрант ва докторант Германиянинг турли университетлари ва тадқиқот марказларида таҳсил олмоқда.

Шунингдек, Гёте институти, К.Аденауер, Ф.Эберт фондлари, Германия халқ университетлари уюшмасининг халқаро ҳамкорлик институти ваколатхоналари, Хориждаги мактаблар марказий бошқармасининг немис тили бўйича махсус маслаҳатчи-координатори идораси Ўзбекистонда фаолият юритади.

Тошкент давлат педагогика университетида немис тили ва адабиёти йўналиши бўлиб, талабалар немис тили ва адабиётини катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Мазкур университет ва Минг Ченг институти ўртасида 2024 йил 12 мартдаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида Ўзбекистонда инновацион немис-ўзбек факультетини ташкил этиш бўйича шартнома имзоланган. Ушбу ҳамкорлик лойиҳаси Германиянинг ўқитиш илғор стандартларига мувофиқ янги ўқув дастурларини ишлаб чиқишга қаратилган. Ташаббус кенг кўламли, жумладан, ўқитувчилар малакасини ошириш дастурларини қамраб олади ва Германиянинг таниқли университетлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишни мақсад қилган.

**Нигора МУРОДОВА,**
**журналист**

Интилганга толе ёр




Ифтихор

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАББОДАСИ

**Президентимизнинг Олимпия ва Паралимпия ўйинлари ғолибларини тақдирлаш маросимларидаги маърузаларидан кейинги ўйлар**

*Музаффарлик бизга бобомеросдир,*
*Ғурур бахш этдингиз қутлуғ давронга.*
*Ватаннинг шаънини қуёшга тенглаб,*
*Зўр довруқ солдингиз жумла жаҳонга.*
*Уйғонган жасорат овозаси бу —*
*Янги Ўзбекистон шаббодаси бу!*

*Олтин бу медаллар — қудрат тимсоли,*
*Дунё мадҳ айлади, тилида боли,*
*Сиз майдон сўрдингиз шерюрак билан,*
*Алпомиш мисоли, Барчин мисоли.*
*Медаллар-жасорат дур-шодаси бу —*
*Янги Ўзбекистон шаббодаси бу!*

*Байроқдай эгилмас миллат бардоши,*
*Мижжаларга қалқди севинч кўз ёши,*
*Сиз ғолиб бўлишдан тинмадингиз ҳеч,*
*Тинмади табриклаб Сизни Юртбоши.*
*Эзгу дуоларнинг зиёдаси бу —*
*Янги Ўзбекистон шаббодаси бу!*

*Ишонч ва руҳ, қудрат устувор жойда,*
*Чекланган имкон ҳам чексиз журъатдир.*
*Темурийзодалар тоғни қулатгай,*
*Уйғонган қудрат ҳам асли ҳикматдир.*
*Мангу даъватларнинг шаҳодати бу —*
*Янги Ўзбекистон шаббодаси бу!*

*Элга шону шавкат қайтиши шулдир,*
*Бошида Ҳумою дилда дулдулдир,*
*Энг юксак эъзозлар сизга аталди,*
*Элнинг шоирлари шундан булбулдир,*
*Одил қалб ҳимматин ифодаси бу —*
*Янги Ўзбекистон шаббодаси бу!*

*Сиз янги замоннинг ифтихорлари,*
*Сиз билан яшнади дилу чаман ҳам.*
*Қаҳрамон фарзандлар бор экан токи,*
*Қаҳрамон саналгай миллат, Ватан ҳам.*
*Шермакон юртимнинг саодати бу —*
*Янги Ўзбекистон шаббодаси бу!*

***Минҳожиддин МИРЗО,***
***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси***

# ҒАЛАБАГА ЭРИШИШ ОСОН БЎЛМАЙДИ




**Парижда бўлиб ўтган паралимпия ўйинларида тарихий натижа кўрсатиб, Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилган юртдошларимиз сафида матонатли спортчи, Ўзбекистон миллий паралимпия терма жамоаси аъзоси Одилов Ёрқинбек Олимбек ўғли ҳам бор. У тўрт йилликнинг нуфузли баҳсларида F57 классида найза улоқтириш бўйича 50,32 метр натижа билан чемпион бўлди. Бу ишончли ғалаба мамлакатимиз спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди.**

## МОЗИЙГА НАЗАР

2006 йилнинг ёз палласи. Ҳовлида ўйноқлаб юрган болакай кўринмай қолди. Одилжон ота набирасини йўқлади, “Ёрқинбек”, дея чақирди. Куймаланиб юрган Муҳаррамхон ая ҳам бир зумда ғойиб бўлиб қолган набирасини излаб кўчага шошилди. Шу топда Ёрқинбекни машина уриб кетгани, шифохонага олиб кетилгани ҳақидаги нохуш хабарни эшитиб, ҳушини йўқотди...

Катта автомобиль йўлини кесиб ўтиш чоғида содир бўлган автоҳалокат мурғак болакайга жиддий жароҳат етказганди. Шифокорлар ўнг оёқнинг тиззадан пастини кесиб ташлашга мажбур бўлди...

— Ўша кунги изтиробларимни эсласам, юрагим қалқиб кетади, — дея хотирлайди Шукрия Шарипова. — Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетганди, ўзимни айбдордек ҳис қилардим. Кўз олдингизда чопқиллаб юрган қоракўзингиз бир кунда ногирон бўлиб қолса, жуда алам қилар экан. Аввало, қайнанам, қайнатам, турмуш ўртоғим, барча яқинларим жонимга ора кирди. Тушкунликка тушмасликка ундашди, кўнглимда яхши умид ва мақсадлар уйғотишди, қўллаб-қувватлашди. Бугун бу аламли изтиробларни унутдим. Айниқса, Президентимизнинг мусобақа ғолиблари, ота-оналар, мураббийлар билан самимий мулоқотидан сўнг фарзандимнинг халқаро майдонда эришган ютуқларидан қувониб, кўнглим фахр-ифтихорга тўлди. Она учун бундан ортиқ бахт йўқ!

Ёрқинбек яқинлари меҳрини ҳис қилиб улғайди. Бировдан кам бўлмаслик, тушкунликка тушмасликка ҳаракат қилди, интилди, изланди. Табиатан серғайрат, ҳаракатчан болакай бошланғич таълимни уй шароитида олди. Тенгқурларидан кам бўлмай, фанларни яхши ўзлаштирди. Физика ва математика фанларига ихтисослаштирилган мактабда ўқиди, Фарғона шаҳридаги имконияти чекланган шахсларга ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежида таълим-тарбия олди. Ёшликдан спортга меҳр қўйиб, машғулотларга киришган иқтидор эгаси тез орада мураббийлар эътиборига тушди. Найза улоқтириш йўналишида спорт тўгарагининг фаол аъзосига айланди. Вилоят, мамлакат миқёсида бўлиб ўтган баҳсларда муваффақиятли иштирок этди. Бу йўлда устозлар панд-насиҳати ва кўрсатмаларига амал қилди. Шу тариқа катта спорт майдонлари сари одимлади. Фарғона Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида машғулотларни давом эттирди.

Ўтган йили Франция пойтахтида бўлиб ўтган параенгил атлетика турлари бўйича жаҳон чемпионатининг найза улоқтириш баҳсларида ғолиблар сафидан жой олди. Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтган Параосиё ўйинларида кумуш медални қўлга киритди. Бу ютуқлар уни нуфузли беллашув иштирокчисига айлантирди.

— Париждаги беллашувлар, ҳаяжонли дамларни сўз билан ифодалаб беролмайман, — дейди чемпион. — У ерга ҳамма ғалаба қозониш учун боради. Аммо биз бошқалардан кўра, аниқроқ, дадилроқ ҳаракат қилдик. Чунки бизни бутун Ўзбекистон қўллаб-қувватлаб турди. Бундан куч-қувват олдик, ғалабага ишончимиз ортди. Президентимиз ҳар биримизни телефон орқали руҳлантириб, рағбат бергани кучимизга куч қўшди. Бизга яратилган шароит, ғамхўрликлар ҳақида эшитган бошқа мамлакат спортчилари ҳавас қилди, тан берди. Нуфузли мусобақада муносиб иштирок этиш, ватан шаънини ҳимоя қилишнинг ўзи катта бахт, шон-шараф! Албатта, бундан ғурурландим, устозларим, яқинларим ишончини оқлаганим, меҳнат ва изланишларим бесамар кетмаётгани, бошқа тенгқурларим қатори юрт корига ярайдиган фарзанд бўлиб камолга етганимдан фахрландим. Чунки ғалабаларга эришиш осон бўлгани йўқ.

## ҲАРАКАТ — МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ

Инсон доим ҳаракатда бўлса, барча нарсага эришади. Айниқса, спортда бу ҳаётий таълимотнинг ўрни катта. Спорт турларининг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Ҳар доим ҳам кўзланган мақсадга осонлик билан эришиб бўлмайди. Аммо бу тушкунликка асос бўлиб қолмаслиги керак. Бу кишидан сабр, ирода, ўзига ишончни талаб этади.

— Мағлубият ҳар қандай спортчини чиниқтиради, фақат олдинга қўйилган мақсад сари интилиш керак, — дейди спортчи. — Устозларим кўмагида натижаларимни янгилаш, хато ва камчиликларни бартараф этиш устида ишладик, изландик. Бу ўз самарасини берди. Спортга шунчаки келиш керак эмас, шу йўлни танладими, ҳаракат қилиш, ўз устида ишлаш, қўлга киритилган марралар билан чекланмасдан олдинга интилиш керак. Майдонда фақат кучлиларга омад кулиб боқади.

Енгил атлетика спорт турларига киритилган найза, диск, ядро улоқтириш бир қараганда оддий кўринади. Аммо пухта жисмоний тайёргарлик, ишонч ва аниқ мақсадларсиз бирор натижага эришиб бўлмайди. Айтишларича, спортчи бу жараёнда оддий шамол тезлигини ҳис қилган ҳолда керакли амалларни бажара олиши жуда муҳим.

— Ёрқинбек бошқа спортчилардан ҳаракатчанлиги, мақсади йўлида қийинчиликларга чидамлилиги, иродаси мустаҳкамлиги билан ажралиб туради, — дейди мураббийи Яҳёбек Яқубов. — Шу боис, у билан машғулотлар ўтказиш, хатолар устида ишлаш, белгиланган нормаларни забт этиш осон кечади. У бошқа спортчилар билан тез дўстлаша олиши, камтарлиги, жамоадаги аҳиллик, иноқлик, ҳамжиҳатлик ришталарини боғлашда фаоллиги билан ҳам ҳурмат ва эътибор топганлардан.

## ОЛИМПИЯ МАШЪАЛАСИ ЁНИБ ТУРИБДИ

Мард ва матонатли ўғлон ҳақида мақола тайёрлаш жараёнида Қўштепа туманидаги “Шомирза” маҳалла фуқаролар йиғинида, чемпион яшаётган хонадонда бўлиб, яқинлари билан суҳбатлашдик. Парижда ўтган нуфузли паралимпия машъаласи бу хонадонда ҳанузга қадар ёниб турибди. Чемпионни қутлаш учун келаётганлар ёшлар, ота-оналар бир дам бўлса-да тўхтагани йўқ.

— Узоқ йил халқ таълими соҳасида ишлаб, пенсияга чиққанман, — дейди матонатли ўғлоннинг бобоси Одилжон Қурбонов. — Муваффақиятлар ўз-ўзидан келмайди, албатта. Ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасидаги шароит ва имкониятлар бугун ўз мевасини берди. Шундай “олтин ёшлар” сафида набирам борлиги кўнглимга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Ғалабалар бу билан чекланиб қолмайди. Ўзбекистон улкан имкониятли ёшлар мамлакати сифатида дунёга танилди. Бу ерда ҳали кўплаб юксак билим ва салоҳиятга эга олимлар, маҳоратли спортчи ёшлар камол топишига ишонаман.

Ҳар қандай ғалаба ортида машаққатли меҳнат, интилиш ва иштиёқ мужассам. Мақсад тўғри йўлга қўйилса, натижалар қўлга киритилаверади. Шундай экан, юксак марралар сари парвоз қилаётган маҳоратли спортчи йигитнинг ғалабали одимлари бардавом бўлаверади.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Матонат тимсоли



# ТЕМУРНИНГ МЕТИН ИРОДАСИ

## ёхуд синовларни сабр ва ишонч ила енгиб ўтган қаҳрамон

**Дардоқтепа маҳалласида эрта тонгдан хурсандчилик. Кўчага чиққанлар: “Чемпионимиз Президент совғасини олиб келяпти экан”, дея ғурурланди. Темурбек Ғиязов 2018 йилда Жакартадаги Параосиё ўйинларида олтин медални қўлга киритди. 2019 йилда “Йилнинг энг яхши паралимпиячиси” бўлиб, бу йил ҳам Париждан қуруқ қайтмади.**

Темур мусобақага тушадиган куни маҳалладошлар унга омад тилаб, дуолар қилди. Юзи ёруғ бўлишини Яратгандан сўради. Натижа ёмон бўлмади, спортчимизга бронза медаль насиб этди. Унинг ютуғидан маҳалладошлар қувонди, ҳавасмандларнинг қалбига байрам шукуҳи кириб борди. Бу маҳалланинг ижтимоий тармоқдаги гуруҳларидаги фикрлар, тилакларда ҳам яққол кўзга ташланди. Унда: “Темурбек, ёшларга чинакам ўрнак бўлдинг. Маҳалла ёшлари сендан яхшигина мотивация олди”, “Темурнинг ютуғини кўриб, японларнинг “бахтсизлигим бахтимдир”, деган ибораси эсимга тушди. Бугун Темур эришган ғалаба, ютуқ ва мартабанинг бошланғич нуқтаси бахтсизлик эди. Шунча машаққатли, изтиробли кунлар, тинимсиз меҳнат ва ҳаракат ортидан ҳаётини чинакам бахтга айлантира олди”, каби фикрлар айтилди.

Дарҳақиқат, Темур Ғиязов 11 ёшида автоҳалокат сабаб онасидан ажраган, ногиронлиги сабаб 7-синфдан сўнг мактабга чиққан. Унгача уйида таълим олган эди. Синфдошлари билан бирга билим олиш бахтига муяссар бўлган Темур фақат жисмоний тарбия дарсларидагина қийналарди. Баъзи мактабдошлари уни камситса-да, ортиқ уйда таълим олишни истамасди.

— Ўша пайтда ҳозирги ақлим бўлганида, “Сен четга чиқиб тур, биз билан баробар бўлолмайсан, уринмай қўяқол, барибир биздек югуролмайсан”, деган гапларни заррача юракка олмаган, камситишлар, ажратишлардан ўкинмаган бўлардим, — дейди Темур. — Ҳатто дадам операцияларимга пул сўраб борган қариндошлардан айримлари ҳам “Оёғини кестириб ташла, осон қутуласан, нима қиласан даволатиб”, деган экан. Бугун анча улғайиб англаб етдимки, биздай инсонларни ҳақорат қилишга, камситишга, ажратиб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Қувонарлиси, менга давлат тадбирида Президент билан кўришиш бахти насиб этди. Қўлтиқтаёқ сотиб олишга пул йўқлиги сабаб онам мени елкасида опичлаб юрган кунлар бўлди. Кечагидек эслайман у кунларни. Операцияга кириб кетганимда, ҳолсизликдан жонлантириш хонаси эшигига суянганича мудраб қолгани ҳам кўз олдимда. Қани энди ҳозир осмон қадар юксалаётганимни волидаи муҳтарамам кўрса-ю, ўша жонсарак қадди, забардаст елкалари мен билан бирга юксалиб, қадоқ қўллари дуога очилса... Чекка қишлоқда туртиниб-суртиниб улғайган ўғлининг давлат раҳбари билан учрашиш даражасига лойиқ кўрилганидан боши кўкка етсайди. Андижон марказидан 3 хонали уйни спортдан топган ҳалол пулларига олганини билсайди. Ёхуд дадам яна икки йилгина ҳаёт завқини сурганида ҳам қувончимга шерикликка улгурармиди? Наилож, уларнинг руҳини бўлса-да, шод қилаётгандирман дейман ўзимга ўзим.

Ҳа, бахтли онларимизда кўз олдимизга, аввало, ота-онамиз келади. Қувончимизни биринчи бўлиб улар билан баҳам кўришни истаймиз. Ўзга юртда ўзбек байроғини кўтарганларда эса бу истак минг чандон кучли бўлади. Ўғлининг чет эллардан ғалаба билан қайтишини кўриш Темурнинг ота-онасига насиб этмади. Унинг ўзи айтганидек, улар ҳаёт бўлганида, учинчи ўринни ҳам муносиб тақдирлаб, пул мукофотидан ташқари машина, хонадон туҳфа этган давлатимиздан ғоят миннатдор бўлишлари аниқ эди. Шукрки, чемпионнинг бошини она ўрнида силайдиган опалари, ота ўрнида қучадиган акаси бор. Шунинг учун у болалик чоғида ҳам руҳан чўкиб қолмади. Очиқдан-очиқ “Бу бола давлат берадиган пенсия билан яшайди энди, бир умр бир жойда ўтиради”, деган гапларни эшитганида ҳам спортдан кетмади. Айниқса, кейинги йилларда паралимпиячиларга қаратилаётган алоҳида эътибор унинг спортга муҳаббатини янада оширишга хизмат қиляпти.



— Спортчиларга адолатли ёндашадиган, паралимпиячиларни четга чиқариб қўймайдиганлар ғамхўрлигига жавобан Ўзбекистон ғалабаларига ҳисса қўшаётганимдан бахтиёрман, — дейди Темур. — Парижда бизга яратилган барча шароитлар учун давлатимизга алоҳида раҳмат. Юртга қайтганимиздан сўнг ҳам бизни ўзгача эъзозлашди. Бундай ҳурмат, эътибор ҳеч бир мамлакатда йўқ. Шу маънода, ўзим каби имконияти чекланган ёшларга ҳеч иккиланмай, спорт билан шуғулланишини айтган бўлардим.

Темур бу ютуққа осонгина эришгани йўқ. У йиллар давомида турфа синовлардан мардонавор ўта олди. Сабр, чидам ва доим олға интилиш орқали ютуқларни қўлга киритди.

**Муножат МЎМИНОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 3265
41369 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** A2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:10 Топширилди — 22:45